

АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Хайитгул Музаффарова- Жиззах Давлат педагогика институти
Махсу педагогика кафедраси катта ўқитувчиси.

Иаматуллаев Отабек-Дефектология йўналиши 4-курс талабаси

Аннотация

Ақли заиф болаларда ўйинларга бефарқлик, қизиқишнинг пастлиги, ўйиннинг мақсадга йўналмаганлиги ва тартибсизлиги, ижодий фикрлашнинг йўқлиги кузатилади. Ушбу мақолада ақли заиф болаларни ташхислаш ва уни амалга оширишга қўйиладиган талаблар, усуллар ҳақида йўл йўриқлар кўрсатилган. Бундан ташқари олигофренопедагог ва логопедлар учун ақли заиф болаларни текшириш усулларида кетма-кетликда фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Ақли заиф болалар, ўйин, анамнестик маълумот, наслий омиллар, моторика, нуқсон, интеллект, Сеген доскаси, чуқур ақли заиф, дебил, артикуляция.

ТРЕБОВАНИЯ К ДИАГНОСТИКЕ И РЕАЛИЗАЦИИ УМСТВЕННО ОТСТАЛЫХ ДЕТЕЙ

Аннотация

Умственно отсталые дети проявляют безразличие к играм, низкий интерес, бесцельность и беспорядок игры, недостаток творческого мышления. Эта статья содержит рекомендации по диагностике и лечению умственно отсталых детей. Кроме того, даны рекомендации для олигофренических педагогов и логопедов по последовательному использованию методов обследования умственно отсталых детей.

Ключевые слова: умственно отсталые дети, игра, анамнестическая информация, наследственные факторы, двигательные навыки, дефицит, интеллект, доска Сегена, глубокая умственная отсталость, дебил, артикуляция.

REQUIREMENTS FOR THE DIAGNOSIS AND IMPLEMENTATION OF MENTALLY RETARDED CHILDREN

Annotation

Mentally retarded children show indifference to games, low interest, aimlessness and disorder of the game, lack of creative thinking. This article contains recommendations for the diagnosis and treatment of mentally retarded children. In addition, recommendations are given for oligophrenic teachers and speech therapists on the consistent use of methods for examining mentally retarded children.

Keywords: mentally retarded children, game, anamnestic information, hereditary factors, motor skills, deficit, intelligence, Segen board, deep mental retardation, debil, articulation.

Ақли заифликни текшириш усулларидан бири анамнестик маълумотларни йиғиш ҳисобланади. Ота-оналар билан суҳбатда боланинг бир ёшгача ва бир ёшдан кейинги ривожланиш тарихи (товуш, ёруғликка таъсирчанлиги, қачон бошини ушлагани, ўтиргани, оёққа туриб юргани, биринчи сўзлари ва ҳ.к.) аниқланади. Шунингдек, бола бошдан кечирган касаллик, жароҳатларнинг тавсифи ва асоратларини аниқлаш муҳим саналади. Яқин қариндошларининг саломатлиги (зўраювчи наслий омилларнинг ҳажми) ва оилавий тарбия шароити ҳам ўрганилади. Шундан сўнг, она томонидан берилган маълумотлар қайта текширилади. Боланинг ўйин фаолиятини кузатиш ақли заифликни аниқлашнинг дастлабки усулларидан бири ҳисобланади. Ўйинчоққа бўлган муносабат, қизиқишнинг қатъийлиги, ўйинни мустақил ташкил қилиш ақлий ривожланишнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ўйин вақтида боланинг ҳажм, шакл, ранг, миқдорни идрок қилиш ва умумлаштира олиш қобилиятини ўрганиш мумкин.

“Тўрт ҳалқали пирамида” ўйинчоғи ёрдамида бола моторикасининг ривожланиши (ҳалқани ўққа кийдиришни эплай олиши, мувозанатидаги нуқсонларининг мавжудлиги ва ҳ.к.), катта-кичик тушунчаларининг шаклланганлиги ва фарқлаши (“катта ҳалқани кийдир, кейин кичкинасини ва энг кичигини”), рангларни ажратиши (“қизил ҳалқа бор” ва ҳ.к.), пирамида ҳалқаларини санаб олиши (“биринчи ҳалқани кўрсат”, “учинчи ҳалқани кўрсат” ва ҳ.к.), миқдор тушунчасининг шаклланиши (“иккита ҳалқани бер, тўрта ҳалқани бер” ва ҳ.к.)ни кузатиш мумкин. Юқоридаги топшириқларни бажариш натижасида бола моторикасидаги нуқсонларни аниқлаш имкони яратилади. Ҳаракатларнинг аниқмаслиги, тезкор эмаслиги (улар учун ҳалқани пирамида ўқиға кийдириш қийин) ҳатто, баъзи болаларда ҳаддан зиёд асоссизлиги кузатилади.

Меъёردаги интеллектли бола пирамида ҳалқаларини катта-кичиклигига қараб тўғри жойлаштириб бериши керак. Ақли заиф болалар бу топшириқни

тўғри бажара олмайдилар. Сеген доскаси (турли геометрик шаклларларни доскага жойлаштириш) ёрдамида ақли заиф бола ҳаракатининг эпчиллиги, майда қўл моторикасининг ҳолати, мувофиқлаштириш, шаклларни ажрата билиши ўрганилади, таққослаш каби фаолиятини кузатиш мумкин бўлади.

Енгил даражадаги ақли заиф бола бошловчи ҳаракатларни тўғри тушунтириб, кўрсатиб бергандан сўнг, топшириқни бажара олиши мумкин. Чуқур ақли заиф бола топшириқни умуман тушунмайди.

Турли шакллардаги геометрик фигуралар тўплами (доира, квадрат, учбурчак)ни жойлаштириш юзасидан болаларга геометрик фигураларни шакллари бўйича ажратиб гуруҳлаш таклиф қилинади. Бу топшириқ орқали шаклларни умумий белгиси орқали бирлаштириш хусусиятлари (умумлаштириш) аниқланади.

Дебил даражасидаги ақли заиф болалар топшириқни яхши тушунмай, кўрсатиб берилгачгина такрорлашлари мумкин. Чуқур ақли заиф болалар бунинг уддасидан чиқа олмайдилар.

Турли катталиқдаги кубикларни каттадан кичикка ёки, аксинча, кичикдан каттага қараб тахлаб чиқиш таклиф қилинади. Ақли заиф болаларда катта-кичиклик тушунчасининг шаклланишига махсус ўқитишлар давомида эришиш мумкин.

Турли рангдаги ҳалқа ва тасмалар. Бу усулдаги усул ранг бола тушунчаларининг шаклланишини текширишга қаратилган. Текшириш III босқичда олиб борилади. Аввал бола берилган тасмаларга мос рангли ҳалқаларни танлайди (кўриш нисбати). Кейин у ёки бу рангни танлаши сўралади (“қизил ҳалқани бер”, “кўк тасмани узат”). Шундан сўнг кўрсатилган шаклнинг рангини айтиш сўралади (“Бу қандай рангда?”, “Бу-чи?”). Ақли заиф болаларда соғлом тенгдошларига нисбатан ранг тушунчаси шаклланишининг орқада қолиши кузатилади ва у махсус ўқитишлар давомидагина меъёрга яқинлаштирилади.

Предметли расмлар. Болаларга таниш бўлган предметли расмлардан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Диққат ва кўриш хотирасини

текшириш учун: бир қаторга 4-5 та расм жойлаштирилади, сўнг 1 та расм олиб қўйилади. Боладан таклиф қилинган 3 та расм ичидан олиб қўйилган расмни топиб бериш сўралади.

Тафаккурни текшириш учун: бола олдига бир қаторга 3 хил расм жойлаштирилади (стол, нон, пальто) ва тагига берилган бошқа расмларни (стул, булочка, калпоқ) ўзига мос равишда жойлаштириб чиқиши талаб қилинади. Предметли расмлар билан машқлар ўтказиш боланинг умумий тасавури ва фикрлаш операцияларини ҳам текширишга имкон беради.

Худди шунингдек, юқорида келтирилган усуллар ёрдамида ақли заиф болалар нутқининг: фонематик ва грамматик хусусиятлари, луғат бойлигини (пассив ва фаол) ва ҳ.к.ларни ҳам текшириш мумкин. Бу усуллар шахс хусусиятларини ва ақлий ривожланиш кўрсаткичини ҳам аниқлашга имкон беради.

| № | Даражалари | Шифри | Алоҳида белгилари |
|---|---------------------------------------|-------|---|
| 1 | Дебил-ақли заифликнинг энгил даражаси | № 317 | Ёрдамчи мактабнинг 9 йиллик дастур материалларини муваффақиятли эгаллайдилар. Бу болалар ёрдамчи мактабни битириш билан бирга маълум мутахасисликни ҳам эгаллайдилар. (Улар кўпинча ўқишни оммавий мактабнинг 1-синфидан бошлайдилар, лекин элементар саводни эгаллай олмаганликлари сабабли давом эттира олмайдилар) |
| 2 | Имбецил-ўрта даражадаги ақли заифлик | № 318 | Имбецил болалар оммавий тарзда таълимга жалб этилмайди. Бу тоифа болаларининг баъзилари ёрдамчи мактабларда тажриба тарзида ўқитилади. Бундай болаларнинг билим олиш даражаси чегараланганлиги сабабли ўқишни давом эттира олмайдилар, ҳаётга мустақил мослаша олмайдилар. |
| 3 | Идиот-ақли заифликнинг оғир даражаси | № 319 | Улар умуман таълимга жалб этилмайди. Бу тоифа ақли заиф болалари Ижтимоий таъминот Вазирлигига қарашли «Мурувват уйлари»да сақланадилар. Улар ҳатто-ки |

| | | | |
|--|--|--|---|
| | | | элементар ўз-ўзига хизмат қилиш малакаларини ҳам эгаллай олмайдилар. |
|--|--|--|---|

Тиббий-педагогик-психологик комиссия ва тиббий-педагогик-психологик ташхис марказларига келтирилган болаларни ташхис қилишда ишни, энг аввало, улар нутқини логопедик текширишдан бошлаш зарур. Бундай ёндошув нутқнинг инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши, унинг руҳий жараёнларнинг омили эканлиги билан асосланади.

Ташхис қилишда қуйидаги логопедик текширишлар ҳам олиб олиб борилади. Боланинг баъзи артикуляция (талаффуз) қилиш органларини текшириш лаб, тил, тишлар, жағлар, танглай тузилишини ўрганишни ўз ичига олади. Бунда логопед органнинг нуқсонлари бор-йўқлигини, меъёрга мослигини текширади.

Сўнг, артикуляция аппаратининг ҳаракатчанлиги текширилади. Бунда логопед болага тақлид усули билан қатор машқларни бажаришни топширади. Масалан: тил билан лабни ялаш, уни бурун, ияк, чап кулоқ, ўнг кулоқ томонга ҳаракат қилдириш; иложи борича ташқарига ва ичкарига тортиш; лабларни чўччайтириш ва илжайиш ҳолатига келтириш; пастки жағни олдинга чиқариш, сўнг орқага ҳаракатлантириш; оғизни катта очиш, сўнг ёпиш ва ҳ.к.з.

Машқларни бажариш жараёнида логопед органлар ҳаракатчанлигининг эркинлиги, тезлиги, бир ҳаракатдан иккинчисига ўтишининг амалга оширилиши қай даражада эканлигини аниқлайди.

Товушлар талаффузини текшириш.

Ушбу текширув натижасида бола у ёки бу товушни аниқ талаффуз қилиши ва уни мустақил нутқда қўллай олиши аниқланади. Гап ва сўзлар ифодасида товушларнинг алмаштирилиши, чалкаштирилиши, баъзиларининг йўқлиги аниқланади. Бундан ташқари боланинг турли мураккабликка эга сўзларда товуш ва бўғинларни тушириб қолдириши ёки ўрнини алмаштириши ҳолатлари ҳам кузатилади.

Сўзларда товуш талаффузини текширишни олиб боришда буюм ва предметларни ифодаловчи расмлар тўплами керак бўлади. Расмдаги сўзлар ичидаги текширилаётган товуш уч ҳолатда: сўзнинг боши, ўртаси ва охирида берилиши лозим бўлади. Масалан:

С: соат, коса, товус;

З: занжир, дазмол, пиёз;

Ш: шам, эшик, тешик;

Ж: жўжа, маржон, тож;

Ч: чой, сичқон, сақич;

Л: лавлаги, булоқ, ғалла;

Р: райхон, маржон, анжир;

Г: гилос, сигир, барг;

Х: хўроз, гулхан, шох;

Ҳ: ҳаёт, маҳалла, шох;

Қ: қанд, бақлажон, қовоқ;

Ғ: ғоз, буғдой, чўғ;

Б: балиқ, духоба, ҳисоб;

Д: дарахт, бодринг, қанд.

Агар сўзда товуш ҳосил бўлмаса, худди шу сўзни бола логопед ортидан қайтариши ва ушбу товуш иштирок этган очиқ ва ёпиқ бўғинларни талаффуз қилиши тавсия қилинади. Мактаб ёшига тўлган бола нутқини текширишда боғланишли нутқ малакаси, пассив ва фаол луғатнинг бойлиги, нутқнинг грамматик тузумининг шаклланиши; талаффуз малакаси; фонемаларнинг эшитуви ва идрокининг қай даражада эканлиги аниқланади. Текширув ўйин тарзида олиб борилгани маъқул. Текширув орқали нафақат бола нутқидаги нуқсоннинг шаклланишини, балки бу нуқсонларнинг меъёр (норма)га нисбатан ҳолатини ҳам таҳлил қилиш мумкин.

Текширув олдидан бола эшитишининг ҳолати, билиш фаолияти, илк нутқий ривожланиши ҳақидаги мутахассис маълумотномаси билан танишилади. Логопед бола нутқи ҳақидаги дастлабки маълумотга унинг ёши

ва индивидуал хусусиятига кўра оиласи, ўзи, дўстлари, боғчаси ва ўйинчоқлари ҳақидаги суҳбат орқали эга бўлади.

Саволлар тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

«Сенинг исминг нима?»

«Фамилиянг нима?»

«Ёшинг нечада?», «Сен қаерда яшайсан?»

«Сен боғчага қандай борасан?»

«Оилада неча кишисиз?», «Ойинг билан даданг қаерда ишлайди» «Нечта опа-синглинг ва ака-уқанг бор?», «Улар неча ёшда?»

«Бугун об-ҳаво қандай?», «Сен эгнингга нима кийгансан?»

«Уйда нима овқат единг (боғчада-чи)?»

«Қишда (ёзда) қандай кийим кийилади?»

«Қишда (ёзда) қандай ўйинлар ўйнашни яхши кўрасан?»

«Ўрмонда қандай ҳайвонлар яшайди?»

«Нима учун куён қишда тукини ўзгартиради?» ва ҳ.к.

Суҳбат давомида болада боғланишли нутқининг қандай ривожланганлиги, унинг суҳбатга киришиш тезлиги ва нутқи алоҳида-алоҳида сўзлардан тузилганлиги ҳақида билиб олинади.

Болалар нутқини ўрганишда қуйидаги ўйинлардан фойдаланиш мумкин:

1. «**Битга-кўп**» Логопед бир предметнинг номини айтади, (масалан: “китоб”), бола эса шу предметни кўпликда айтади («кўп китоблар»)

2. «**Тескариси**» Логопед болага предметнинг сифатини айтиб копток отади, бола эса тегишли сифатнинг тескарисини айтиб коптокни қайтаради.

Масалан: «Баланд дарахт - паст дарахт».

3. «**Катта-кичик**» Болаларга ҳажми жиҳатдан ҳар хил предмет, нарсаларнинг расмлари тарқатилади. Логопед «катта» сўзини айтиши билан бола катта дарахтнинг расмини кўрсатади, «кичик» дейиши билан - кичкина дарахтнинг расмини: «Менда кичкина дарахт», - дея кўрсатади.

Боланинг фонематик эшитувини текшириш учун қуйидаги топширик берилади:

а) бир қатор тўғри талаффуз қилинувчи бўғинларни қайтариш ва эсда олиб қолиш: па-ба-па, да-та-да;

б) берилган товуш орқали сўзлар ичидан керакли сўзни танлаш;

в) берилган товуш учун расм танлаш;

г) берилган товуш учун мустақил равишда сўз тузиш;

Боғланишли нутқни текширишда боладан ёшига мос серияли ва сюжетли (ҳолатли) расмлар орқали ҳикоя тузиб бериш талаб қилинади. Бола расмни ўрганиб чиқиши ва унга режа тузиши учун вақт берилади. Агар топширикни бажара олмаса, логопед ҳикоя намунасини ўзи айтиб беради ва бола қўлидаги расм ўзгартирилади. Боланинг нутқини текширишда аниқланган нутқ намуналари (тўғри ва нотўғриларнинг барчаси) нутқ картасида ўз ифодасини топиши лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак мутахассислар томонидан ақли заиф болаларни ташхислашга қўйиладиган талабларга тўғри риоя қилинса имконияти чекланган болаларни махсус муассасаларга йўналтиришга шароит яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Мамедов К., Шоумаров Г. Ақли заиф болалар психологияси. Тошкент, 1994, 122-125-бетлар.
- 2.Muzaffarova, X. (2020). INTELLEKTIDA NUQSONI BO'LGAN MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(09), 9. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2708
- 3.Muzaffarova, X. (2020). Boshlang'ich sinf o'qituvchisining pedagogik maxorati . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(14), 1-1. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3790
- 4.Muzaffarova, X. (2020). MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASALARIDA MEDIATA'LIMNI JORIY ETISH: «MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS». *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(09), 9. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2712
- 5.Muzaffarova, X. (2020). Maktabgacha ta'lim jara'oni ga multimedia texnologiyasini tatbiq etish. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(9). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/843

6. Muzaffarova, X. (2020). Aqli zaif o'quvchilarning muloqot munosabatlarining pedagogik – psixologik asoslari. *Архив Научных Публикаций Muzaffarova, X.* (2020). БАДИЙ АДАБИЁТ - БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНИШИРИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(88).* извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6825

7. Muzaffarova, X. (2020). Aqliy rivojlanishida muammosi bo'lgan kichik maktab yoshdagi o'quvchilarning eshitish idrokini rivojlantirishda didaktik o'yinlardan foydalanish. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(81).* извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6724

8. Majidov, J., & Majidova, G. (2020). SHAXS IJTIMOIIY TARAQQIYOTIDA OILA MUHITINING O'RNI. *Архив Научных Публикаций JSPI.*

9. Majidov, J. (2020). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. *Архив Научных Публикаций JSPI.*